

ЎЗБЕК ТИЛИНИ ИККИНЧИ ТИЛ СИФАТИДА ЎҚИТИШДА ЎҚУВ-БИЛУВ МАТЕРИАЛЛАРИНИ КОНЦЕНТРАЛ АСОСИДА ТАРКИБЛАШ ВА УЛАР БИЛАН БОСҚИЧЛИ КЕТМА-КЕТЛИКДА ИШЛАШНИНГ ДИДАКТИК ЖИХАТЛАРИ

Хадича Сабировна МУХИТДИНОВА

Педагогика фанлари доктори, профессор

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Тошкент, Ўзбекистон

СОСТАВЛЕНИЕ МАТЕРИАЛОВ НА ОСНОВЕ КОНЦЕНТРОВ ПРИ ПРЕПОДАВАНИИ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА КАК ВТОРОГО ИНОСТРАННОГО И ДИДАКТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ РАБОТЫ С НИМИ В ПОШАГОВОЙ ПОСЛЕДОВАТЕЛЬНОСТИ

Хадича Сабировна МУХИТДИНОВА

Доктор педагогических наук, профессор

Узбекский государственный университет мировых языков

Ташкент, Узбекистан

COMPILATION OF MATERIALS BASED ON CONCENTRATES WHILE TEACHING THE UZBEK LANGUAGE AS A SECOND FOREIGN LANGUAGE AND DIDACTIC ASPECTS OF WORKING WITH THEM IN A STEP-BY-STEP SEQUENCE

Khadicha Sabirova MUKHIDDINOVA

Doctor of Education, Professor

Uzbekistan State World Languages University, Tashkent, Uzbekistan

UDC (УЎК, УДК):371. 671: 494. 3

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):

Мухитдинова Х.С. Ўзбек тилини иккинчи тил сифатида ўқитишда ўқув-билув материалларини концентрал асосида таркиблаш ва улар билан босқичли кетма-кетликда ишлашнинг дидактик жиҳатлари// Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2020. — № 3 (32). — С. 87-100.

<https://doi.org/10.36078/1595531660>

Received: May 15, 2020

Accepted: July 17, 2020

Published: July 20, 2020

Copyright © 2020 by author(s) and Scientific Research Publishing Inc.

This work is licensed under the Creative Commons Attribution International License (CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>

Аннотация. Бугунги кунда республикамызда яшовчи турли миллатлар вакилларининг давлат тилини ўрганиши жамиятимизда муҳим ижтимоий талаблардан бирига айланди. Бу республикамызда ўзбек тили таълимини такомиллаштиришнинг янги концептуал ёндашувлари ва тамойилларини белгилаб олиш, таълим самарадорлигини оширишнинг энг илғор методларини аниқлаш ва улардан унумли фойдаланиш масаласини кун тартибига қўймоқда. Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар ва гуруҳларда ўзбек тилини ўқитишдан асосий мақсад таълим олувчиларнинг нутқини шакллантириш, яъни ўзбек тилида айтилаётган сўзлар ва гапларни тинглаб тушуниш ҳамда сўзлай олишга ўргатишдан иборат. Бунинг учун билимларни тақдим этишнинг ихчам, компакт моделларини яратиш, ўқув-билув материалларини замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқувчилар онгига осон ва пухта сингдириш механизмини ишлаб чиқиш керак бўлади. Шундай янги концептуал ёндашувлардан бири бугунги кунда таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун яратилаётган модернизациялашган “Ўзбек тили” дарсликларига ўқув-билув материалларини *нутқ мавзуси — грамматик маълумот — адабий ўқиш* концентраларига жамлаб бериш орқали оғзаки ва ёзма нутқни шакллантиришга йўналтиришдан иборат. Бу ўзбек тилини ўқитиш жараёнида ўқув-билув топшириқларининг таркибланиши ва бажарилишида босқичли кетма-кетликка



Open Access

алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади. Педагогик таълим соҳасида янги авлод дарсликларини яратишда ўқув-билув материалларини концентрлар асосида таркибланинг дидактик параметрлари борасида айрим тадқиқот ишлари олиб борилаётган бўлса-да, айнан ўзбек тилини иккинчи тил сифатида ўқитиш методикасида бу масала алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилгани йўқ. Мазкур мақолада таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун “Ўзбек тили” дарсликларида тақдим қилинаётган ўқув-билув материалларини концентрлар асосида таркибланиш ва улар билан босқичли кетма-кетликда ишлашнинг дидактик жиҳатлари баён этилди.

Калит сўзлар: ўзбек тилини иккинчи тил сифатида ўқитиш; янги концептуал ёндашувлар; дидактик тамойиллар; дарсликларни модернизациялаш; ўқув-билув материалларини таркибланиш; асосий концентрлар; нутқ мавзуси; грамматик маълумот; адабий ўқиш; ўқув-билув материалларининг босқичли кетма-кетлиги.

Аннотация. Сегодня изучение государственного языка представителями разных национальностей, проживающими в нашей республике, стало одним из важнейших социальных требований в обществе. Это ставит на повестку дня вопрос определения новых концептуальных подходов и принципов совершенствования преподавания узбекского языка в стране, наиболее передовых методов повышения эффективности образования и их эффективного использования. Основная цель преподавания узбекского языка в школах и группах, где обучение ведется на других языках, состоит в том, чтобы сформировать речь учащихся, то есть научиться слушать и понимать слова и фразы, сказанные на узбекском языке. Для этого потребуется создание компактных моделей представления знаний, разработка механизма легкого и тщательного усвоения учебно-познавательных материалов студентами с использованием современных технологий. Один из таких новых концептуальных подходов заключается в том, чтобы сосредоточиться на формировании устной и письменной речи путем концентрации учебно-познавательных материалов в тесной взаимосвязи «речевая тема — грамматические сведения — литературное чтение» в модернизированных учебниках «Узбекский язык» для школ с другими языками обучения. Это в свою очередь требует особого внимания на структурирование учебно-познавательных материалов и поэтапное последовательное выполнение. Несмотря на то что в сфере педагогического образования проводятся некоторые исследования дидактических параметров концентрации учебно-познавательных материалов при создании учебников нового поколения, этот вопрос не рассматривался как отдельный объект изучения в методике преподавания узбекского языка как второго. В данной статье описываются дидактические аспекты концентрации учебно-познавательных материалов, представленных в учебниках «Узбекский язык» для школ с другими языками обучения и работы с ними в поэтапной последовательности.

Ключевые слова: преподавание узбекского языка как второго; новые концептуальные подходы; дидактические принципы; модернизация учебников; содержание учебно-познавательных материалов; основные концентрации; речевая тема;

грамматические сведения; литературное чтение; поэтапная последовательность учебно-познавательных материалов.

Abstract. Today, the study of the state language by representatives of different nationalities living in our republic has become one of the most important social requirements in our society. This puts on the agenda the issue of determining new conceptual approaches and principles for improving the teaching of the Uzbek language in the country, the most advanced methods to increase the effectiveness of education and their effective use. The main goal of teaching the Uzbek language in schools and groups where instruction is in other languages is to shape the learners' speech, that is, learn to listen and understand words and phrases spoken in the Uzbek language. This will require the creation of compact models for the representation of knowledge, the development of a mechanism for easy and thorough assimilation of educational and cognitive materials by learners using modern technologies. One of such new conceptual approaches is to focus on the formation of oral and written speech by concentrating educational and cognitive materials in a close relationship between "speech topic - grammar information - literary reading" in modernized textbooks "The Uzbek language" for schools with other languages of instruction. This in turn requires special attention to the structuring of educational and cognitive materials and phased sequential implementation. Despite the fact that in the field of pedagogical education some studies of didactic parameters of the concentration of educational and cognitive materials are carried out when creating new generation textbooks, this issue was not considered as a separate object of study in the methodology of teaching the Uzbek language as a second. This article describes the didactic aspects of the concentration of educational and educational materials presented in the textbooks "The Uzbek language" for schools with other languages of instruction and work with them gradually.

Keywords: teaching the Uzbek language as a second language; new conceptual approaches; didactic principles; modernization of textbooks; content of educational and cognitive materials, main concentrations, speech topic; grammar information; literary reading; phased sequence of educational and cognitive materials.

Кириш. Ўзбекистонда яшовчи барча фуқаролар республикамизнинг давлат тилида эркин мулоқот юрита олишлари, ўз фикрларини оғзаки ва ёзма баён қила олишлари республикамиз аҳолисининг баҳамжиҳатлик ва дўстликда яшашлари, биргаликда меҳнат қилиб ватанимиз иқтисодини янада юксалтиришга хизмат қилишларининг муҳим омилларидан биридир. Ҳозирги кунда республикамизда яшовчи турли миллатларга мансуб фуқаролар ўзбек тилини фақат сўзлашув — оғзаки мулоқот воситаси сифатидагина билишнинг ўзи кифоя қилмаслигини, давлат тилида тўғри гапириш ва тўғри ёза олишлари, ижтимоий масалаларда ва мутахассислиги доирасида ўз фикрини эркин баён эта олишлари, давлат тилида расмий иш юритиш малакаларига эга бўлишлари зарурлигини эътироф этмоқдалар. Ўзбек халқининг маданияти ва урф-одатларини билиш, миллий-маънавий қадриятларимизни эъзозлаш мамлакатимизда яшовчи бошқа миллатларнинг маънавий бурчи ва ҳаётий эҳтиёжига айланмоқда.

Кўринадики, бугунги кунда ўзбек тилини ўрганиш шахсий эҳтиёжгина эмас, балки жамиятнинг муҳим ижтимоий талабларидан бирига айланди. Бу таълим ўзга тилларда олиб бориладиган гуруҳларда ўзбек тилини ўқитиш мазмуни, метод ва усулларини янада такомиллаштиришни, таълим босқичлари ўртасида узлуксизликни таъминлаш ҳамда ўзбек тилини замонавий технологиялар асосида интенсив ўқитишни йўлга қўйиш асосида таълим самарадорлигига эришиш заруратини юзага келтирмоқда. Бу эса, ўз навбатида, таълим бошқа тилларда олиб бориладиган гуруҳларда ўзбек тилини ўқитишнинг дидактик тамойилларини аниқлаш, давлат тили таълимини такомиллаштиришнинг янги концептуал ёндашувларини белгилаб олиш, таълим самарадорлигини оширишнинг энг илғор методларидан унумли фойдаланиш масалаларини кун тартибига қўймоқда.

“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Харакатлар стратегияси”да кадрлар етиштиришга берилган катта эътибор мамлакатнинг таълим соҳасида туб ислохотларни амалга ошириш, таълим мазмуни ва шакллари такомиллаштирилган, мавзулар узвийлиги ва узлуксизлиги таъминланган, таълим жараёнига компетенциявий ёндашув технологиялари сингдирилган янги авлод дарсликларини яратиш масаласи ўртага қўйилди. Ислохотлар жараёнида таълим тизимида аниқланган камчиликларни бартараф этиш муайян фан доирасида ўқувчи-талабаларга тавсия этиладиган ўқув материалларини танлаш ва таълим босқичларига мос ҳолда тақсимлашга доир методик ёндашувларни такомиллаштириш, уларни узвийлаштириш ва тизимлаштириш, дарс жараёнида улар билан ишлашнинг дидактик тамойилларини ишлаб чиқиш, дарсликларда миллий ва илғор хорижий тажрибаларни уйғунлаштиришни тақозо этмоқда. Ушбу муаммолар ечимини топиш мақсадида кейинги йилларда ўқув материаллари ва маълумотларни қандай ҳажмда, қайтарзда ўқувчиларга тақдим этиш, тақдим этилаётган билимлардан амалий фойдаланиш учун уларни пухта ўзлаштиришга эришиш борасида тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Бироқ ўзбек тилини республикада яшовчи турли миллат вакилларига иккинчи тил сифатида ўқитишда дарсликлар, ўқув-билув материалларининг таркибланиши ва улар билан ишлашнинг таълимий жиҳатлари бугунги кунгача алоҳида ўрганилмаган. Шундан келиб чиқиб, мазкур мақолада таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун “Ўзбек тили” дарсликларида тақдим этилаётган ўқув-билув материаллари ва улар билан босқичли кетма-кетликда ишлашнинг дидактик жиҳатлари баён этилди.

Асосий қисм. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони (1) она тилимизни асраб-авайлаш ва янада ривожлантириш, мамлакатимизда давлат тилини тўлақонли жорий этишни таъминлаш, таълим муассасаларида давлат тилини ўргатиш ва уни билиш даражасини баҳолаш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилганлиги билан ўзбек тилининг тараккиётида янги

саҳифаларни очди. Фармонда ўзбек тилининг мамлакатимиз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллатлар ва элатлар томонидан ўрганилиши учун қулай шарт-шароитлар яратиб бериш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, унинг ижросини таъминлаш учун ўзбек тилидан тузилган дастурларни янада такомиллаштириш, дарсликларни мазмунан ва методик томондан тубдан яхшилашни тақозо этади.

Республикаimizда яшовчи фуқароларнинг анчагина қисми таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар ва рус гуруҳларида таълим оладилар. Ушбу мактаблар ва гуруҳларда мамлакатимизнинг давлат тилини ўқитиш ишларини самарали ташкил этиш давлат аҳамиятига эга масалалардан биридир. Таъкидлаш керакки, ушбу мактаблар ва гуруҳларда ўзбек тили иккинчи тил сифатида ўқитилади ва унинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд, яъни умумтаълим мактабларида ўзбек тилини она тили ва иккинчи тил сифатида ўқитиш мезонлари бир-бири билан мутаносиб бўла олмайди. Ўзбек тилини миллий мактабларда ўқитилишига қаратилган “Она тили” фанида ўқувчиларга тақдим этиладиган ўқув материаллари ўзбек тилининг тузилиши, грамматик категорияларини изчиллик тамойилида тушунтиришга йўналтириб танланади. “Ўзбек тили” фани эса ўқувчиларни шу тилда сўзлай олиш, айтилаётган сўзлар ва гапларни тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзиш, яъни оғзаки ва ёзма нутқий кўникма-малакаларини шакллантиришга олиб чиқишга қаратилади. Бунинг учун билимларни тақдим этишнинг ихчам, компакт моделларини яратиш, ўқув-билув материалларини замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқувчилар онгига осон ва пухта сингдириш механизмларини ишлаб чиқиш керак бўлади. Бу ҳолат таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўзбек тилини ўқитишнинг она тилини ўқитишдан тубдан фарқланишини кўрсатади, яъни иккинчи тил таълимида мавзуга оид қоида ва таърифларни тушунтириш ва уларни мустаҳкамлашга қаратилган машқ ва топшириқлар билан ишлашнинг ўзи етарли бўла олмайди. Тилни она тили сифатида ўқитиш мисолларни қиёслаш, мустақил таҳлил қилдириш орқали, яъни “*настдан юқорига томон*” йўналишида, чет тилини ўқитиш ёки тилни иккинчи тил сифатида ўқитиш эса “*юқоридан настга томон*” борилади, яъни аввал қоида ва таърифлар, сўнг унга мос мисоллар берилади. Тил муҳити бор бўлган жойда иккинчи тилни ўқитиш ҳам “*юқоридан настга томон*” йўналишида амалга оширилса-да, бунда тил ўрганувчилар айрим тил кўникмаларига (масалан, эшитганларини муайян даражада тушуниш), шунингдек, кундалик турмушда кўп ишлатиладиган сўзлар луғавий захирасига эга эканликларидан келиб чиқиб, нутқий мавзуларга доир матнлар ёки расм устида ишлаш, муайян мавзуда суҳбатлашиш ёки таянч сўзлар ва бирикмалар асосида монологик ёки диалогик матн тузиш каби иш турларидан кенг фойдаланиш мумкин бўлади.

Таълим тизимига компетенциявий ёндашувнинг татбиқ этилиши натижасида таълим босқичларида ўтказилган ислохотлар натижасида “Ўзбек тили” фанидан ўқув дастурлари ва дарсликлари мазмунида ва тузилишида туб ўзгаришлар юзага келди. Хусусан, таълим бошқа тилларда олиб

бориладиган мактаблар учун “Ўзбек тили” дарсликлариди ўқув-билув материалларини *нутқ мавзуси — грамматик маълумот — адабий ўқиш* концентрларига жамланган ҳолда тақдим этилаётгани ушбу учликни асосий концентрлар сифатида ажратиш ўқув материалларини узвийлаштириш ва марказлаштириш орқали нутқни шакллантиришга йўналтиришга имкон бермоқда. Бу мазкур мактабларда ўзбек тилини ўқитиш жараёнида ҳам ўқув-билув топшириқларининг таркибланиши ва бажарилишида босқичли кетма-кетликка алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади. Компетенциявий ёндашув асосида 5–11 синфлар учун яратилган “Ўзбек тили” дарсликларини ўрганиб чиқиш, уларда ўқув-билув материаллари, машқ ва топшириқлар қуйидагича тизимлаштириб берилаётганини кўрсатди:

1. Иллюстрациялар ва расмлар билан ишлаш.
2. Матн устида ишлаш.
3. Қоида ва таърифлар билан ишлаш.
4. Лексик-грамматик машқлар.
5. Суҳбат ва савол-жавоб машқлари.
6. Адабий ўқиш материаллари билан ишлаш.
7. Мавзуни мустаҳкамлаш учун берилган савол ва топшириқлар устида ишлаш.
8. Уйда мустақил бажариш учун бериладиган вазифалар (2).

Кўринадики, иккинчи тил таълимида ўқув-билув материалларининг тартибланиши она тили таълимидаги каби эмас. Она тили таълимидан фарқли равишда иккинчи тилни ўқитишда таълим олувчиларни шу тилда нутқий мулоқот юритишга ўргатиш кўзда тутилади, яъни таълим жараёни коммуникатив ёндашув асосига қурилади. Нутқий мулоқот тил бирликларининг ўзаро бирикиши асосида юзага келади, тил бирликларини ўзаро бириктириб нутқий тузилмалар ҳосил қилиш учун эса грамматик қоидаларни ҳам билиш керак бўлади. Муайян қоидалар мажмуасини ўзлаштирмасдан туриб гап тузиш ва нутқий кўникма ҳосил қилиш мумкин эмас. Ўрганилаётган тилдаги нутқий қурилмаларнинг тузилишини ўрганиш учун эса, сўзларни билишнинг ўзи етарли эмас, ушбу сўзларни ўзаро боғлаб сўз бирикмалари ва гаплар тузишни билиш, бунинг учун эса нафақат ушбу нутқий қурилмаларнинг тузилишини, балки уларда сўзларнинг ўзаро боғланиш хусусиятларини ҳам ўргатиб бориш керак бўлади. Келиб чиқадики, ҳар қандай нутқий қурилма қайсидир тил материалларини билиш ва қўллаш орқали юзага келади, бу эса, ўз навбатида, нутқий мулоқотни юзага келтиради. И.П.Слесарева таъкидлаганидек, “нутқий фаолиятда, биринчидан, тилнинг ва воқеликнинг диалектик алоқаси, яъни тилнинг акс эттириш-билиш функциясини; иккинчидан, акс эттиришнинг турли моделларининг мавжудлигини; учинчидан, тилни нутқ билан биргаликда кўриб чиқиш кераклигини белгилаб берувчи коммуникатив моҳиятни тан олиш зарур” (3, 70).

Нутқий фаолият бир-бири билан узвий боғланган тил ва нутқ аспектларини қамраб олган бўлиб, бу мураккаб жараён

бири иккинчисининг давоми бўлган узлуксиз машқларни бажаришни талаб қилади. Кўриниб турибдики, психолингвистик назарийётда нутқий фаолият кўникмаларини эгаллашда грамматик билимлар инкор қилинмайди, аксинча, грамматик билимларни онгли равишда ўзлаштириш ва қўллаш, “тилга ўргатишда ўқувчиларнинг қайси шакл ёки воситалар қандай мазмунни ифода қилишга қодир эканлигини англаб олиши ўта муҳим” омил эканлиги алоҳида таъкидланади (4).

Ахборотларнинг ҳаддан зиёд кўпчилиги муаммо даражасига кўтарилган бугунги кунда билимларни тақдим этиш ва улардан фойдаланишда ўқув материалларини муайян мезонлар ва тамойилларга таянилган ҳолда танланиши ва тизимлаштирилиши, таълимда самарадорликка эришишда муҳим аҳамият касб этади. Албатта, дарсликларда бериладиган ҳар қандай ўқув материали, аввало, ўқувчиларда давлат таълим стандартларида назарда тутилган билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ҳосил қилишга йўналтирилиши керак. Шунингдек, ўқув ахборотларини муайян изчилликда жамлаш, ихчамлаш, уларни ўзлаштириш учун қулай ҳолатга келтириш ҳам замонавий дидактикада жуда долзарб масала ҳисобланади.

Маълумки, ҳар бир фан дарслиги ўқув жараёнини бошқариб турувчи меъёрий ҳужжат бўлиб, у аслида таълим жараёнининг сценарийси сифатида намоён бўлиши керак. Бугунги кунда таълим соҳасида юз берган туб ўзгаришлар, таълим жараёнига инновацион ва компетенциявий ёндашувларнинг жорий этилиши дарсликларнинг янги типлари ва моделларини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Янги авлод дарсликларида:

- маълумотлар узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш;
- дарслик тузилмасининг таркибий қисмларини бойитиш;
- ўқув материалларининг ҳам мазмунан, ҳам тузилмавий яхлитлигини таъминлаш;
- дарслик материалларида интегратив ва компетенциявий ёндашувни, инновацион таълим усулларини акс эттириш заруратга айланди.

Ушбу ёндашувлар дарсликларни яратиш ва унда тақдим этиладиган ўқув материалларини лойиҳалашда муҳим аҳамиятга эга. Дарсликда ўқув материалларининг тизимлаштириб ва таркиблаштириб берилиши дарсни режалаштиришда ўқувчиларнинг диққатини мақсадли бошқаришни, уларда билиш усулларини таркиб топдириш орқали билиш кўникмаларини ривожлантириш, мустақил фикрлашга, ижодкорликка ундаш имконини беради. Бу жараён таълим жараёнини лойиҳалаш билан боғлиқ бўлиб, дарсликларни яратишда мазкур принципга асосланишни дарсликни лойиҳалаш, деб ҳисоблаш ҳам мумкин.

Дарсликда ўқув материалларининг ҳар бир бўлаги таълим мазмунининг барча элементлари билан узвий боғлиқ ҳолда унинг таркибий қисми сифатида намоён бўлиши ўқувчига ўқув материалларини кейинги мавзуларда мустақамлаб боришга, қуйи синфларда ва шу синфда ўқиётган фанлар бўйича олган билимларидан амалий фойдаланиш орқали ўқув

материалларини осонроқ ўзлаштириш, қизиқиш ва ижодкорлик билан қабул қилишга ва провард натижада билимларни тўлиқ идрок этишга ёрдам беради. Мазкур ёндашувлар нафақат муайян ўқув фани ичидаги мавзулараро боғланиш, балки ўқув фанлариаро алоқадорликни ҳам таъминлайди. Грамматик маълумотларнинг тил структурасидан келиб чиқиб, оддийдан мураккабга қараб изчилликда берилиши ўқувчиларнинг грамматик билимларни тушунган ҳолда мустақкам эгаллашларига ҳосил қилинаётган кўникма ва малакаларнинг стихияли тарзда ёд олиш орқали эмас, аксинча, тизимли равишда пухта тушуниш орқали билимларнинг сингиб боришига ёрдам беради.

Фан дарсликларида ўқув предметиға оид билимларгина эмас, методик билимлар ҳам тақдим этилади. “Ўзбек тили” дарсликларида ўқув материалларини мантикий таркиблаштириш ҳар бир мавзу доирасида бериладиган матнлар, грамматик маълумотлар, машқ ва топшириқлар, жадваллар, иллюстрациялар, расмларни аниқ режалаштириш, бунда шу мавзу учун ажратилган вақт — соат тақсимотини ҳам кўзда тутишни тақозо этади.

Кўринадики, ўқув-билув материалларини танлаш ва структуралаштириш ҳозирги замон дидактикасининг муҳим масалаларидан бири бўлиб, ушбу муаммолар бўйича олиб борилган айрим тадқиқот ишларида ўқув материалларни аниқ тамойилларга асосланган ҳолда танлаш ва тизимлаштириш муҳим ўрин эгаллаши таъкидланди (5, 13). Бунинг учун ўқув материали муайян мезонлар ва тамойиллар асосида танланиши ва ўзаро алоқадорликда тизимлаштирилиши зарур. Ўқувчиларда нутқий ва лингвистик компетенцияларни таркиб топдириш ва улар воситасида таянч компетенцияларни шакллантириш кўп жиҳатдан дарсликларда тақдим этилган ўқув-билув топшириқларини босқичли кетма-кетликда бажартиришга ҳам боғлиқ. Ўқитувчи юқорида қайд этилган 8 турдаги топшириқлар билан муайян изчилликда ишлаши керак бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда, таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун “Ўзбек тили” дарсликларида берилётган ўқув-билув топшириқларни 8 босқичга бўлиб бериш ва улар билан ишлашда қуйидаги дидактик жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Ўқув-билув топшириқларининг биринчи босқичи.

Мазкур босқич ўқувчиларни нутқий мавзуга олиб кириш ва грамматика бўйича бериладиган назарий маълумотни уларнинг тушуниб олишларга, ушбу грамматик шаклларнинг нутқдаги ўрнини, амалий аҳамиятини уларга етказишга қаратилади. Бу ўқитувчининг кириш нутқи, иллюстрация ва расмлар ҳамда нутқий мавзу бўйича берилган матн устида ишлаш жараёнидан иборат бўлиб, асосий мавзуга кириш босқичи ҳисобланади.

Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун “Ўзбек тили” дарсликларида тақдим этилган иллюстрациялар, расмлар, шунингдек, берилган таянч сўзлар асосида гап, жумла ёки матн тузиш, саволлар асосида ўзаро суҳбатлашиш каби топшириқлар ўқувчиларни нутқ мавзусига олиб киришга тайёрлайди, уларда мавзуга, тилни ўрганишга қизиқиш ва интилиш юзага қилишига хизмат қилади. Дарсининг

бошидаёқ мавзуга мос расм юзасидан таянч сўзлар ва бирикмалар берилиб, ўқувчиларга улар асосида гаплар тузиш ва ўзаро суҳбатлашиш топшириғи қўйилиши ўқувчиларнинг мавзуга қизиқишларини уйғотишга замин тайёрлайди. Маълумки, “Ўзбек тили” дарсликлари нутқ мавзулари бўйича бўлимларга ажратиб берилган бўлиб, ҳар бир бўлимда шу нутқ мавзусига мос матнлар тақдим этилади. Матнлар устида ишлаш бўйича матнни ўқиш, уни сўзлаб бериш, она тилига таржима қилиш, ажратиб кўрсатилган сўзлар ва грамматик шаклларга эътибор қаратиш, матндан ўтиладиган грамматик мавзуга алоқадор сўз шаклларини ва воситаларни аниқлаш, матнни тўлдириш, давом эттириш каби топшириқлар берилади.

Бунда нутқий мавзу бўйича берилган бош матн таркибида, албатта, шу мавзуда ўтиладиган грамматик шакллар ёки воситаларнинг мавжуд бўлиши, матн таркибида уларни қорайтириб бериш орқали ўқувчилар диққат-эътиборини ушбу бирикмаларга қаратиш назарий маълумотни тушунтиришда ўқувчилар диққатини бир жойга жамлашга ёрдам беради. Ўқувчиларнинг эътиборини ушбу грамматик шаклларга қаратиш орқали уларнинг диққатини бир жойга жамлаш янги грамматик маълумот бўйича бериладиган таъриф ва қоида пухта ўзлаштиришга ёрдам беради. Ана шундай муайян тайёргарликдан сўнг янги грамматик мавзу тушунтирилади, яъни ўқув-билув топшириқларининг иккинчи босқичи — қоида ва таърифлар устида ишлашга ўтилади.

II. Ўқув-билув топшириқларининг иккинчи босқичи. Мазкур босқич қоида-таърифларни тушунтириш ишлари олиб борилади. Таълим бошқа тилларда бериладиган мактабларда ўзбек тили она тилидаги каби изчилликда эмас, балки нутққа ўргатиш мақсадида ўқитилади. Шундан келиб чиқиб, “Ўзбек тили” дарсликларида грамматика бўйича бериладиган соф назарий маълумотларни эмас, айнан нутқ фаолиятида амалий ишлатиладиган грамматик шакллар, воситаларни, уларнинг қўлланиши ва имлоси бўйича қисқа қоидаларни бериб бориш кўзда тутилади. Сўнгги йилларда нашр этилган “Ўзбек тили” дарсликларида грамматик маълумотлар “Билиб олинг!” рукнида қисқа қоида ва таърифлар шаклида берилиб, қоидалар кенгайиб кетмаслиги учун эса мисоллар жадвал шаклида қоидаларга илова қилиб бериш анъанага айланди. Бу нутқ учун зарур бўлган амалий керак назарий билимларни осон ва кўргазмалилик воситасида пухта ўзлаштириб олишга ёрдам беради.

Таъкидлаш жоизки, “Ўзбек тили” дарсликлари нутқий компетенцияни шакллантиришга қаратилган бош мақсаддан келиб чиққан ҳолда нутқ мавзулари бўйича бўлимларга ажратиб берилган ва ҳар бир нутқ мавзуси камида 2–3 соатга тақсимланган. Ушбу мавзу бўйича режалаштирилган грамматик маълумотлар бўйича қоида ва таърифлар ҳам шу соатларга мос ҳолда бўлиб берилиб, ҳар бир дарсда лексик-грамматик машқлар воситасида мустақамлаб борилиши кўзда тутилади.

III. Ўқув-билув топшириқларининг учинчи босқичи. Грамматик маълумотларни мустақамлаш учун назарий маълумотларни ўзлаштиришга қаратилган лексик-грамматик

машқлар берилади. Лексик-грамматик машқлар туркум машқлардан иборат бўлиб, ўқувчиларда ушбу грамматик воситалар, сўзлар ва жумлаларни нутқда оғзки атуғри қўллаш ва тўғри ёзиш кўникма-малакадарини шакллантириш ҳамда ривожлантиришга ёрдам берадиган рецептив (пассив, яъни грамматик ҳодиса, шакл ёки воситани матндан топиб кўрсатиш машқлари), репродуктив (қисман фаол, яъни мавжуд шаклни ҳосил қилиш, воситани ўз ўрнига тўғри қўйиш) ва продуктив (ўрганилган грамматик шакл ёки воситани турли вазиятларда эркин қўллаш) машқлардан фойдаланиш кўзда тутилади. Суҳбат ва савол-жавоб топшириқлари, ижодий ва ярим ижодий машқларни продуктив машқлар сирасига киритиш мумкин.

IV. Ўқув-билув топшириқларининг тўртинчи босқичи. Ушбу босқич суҳбатлар ва савол-жавобларга оид топшириқлардан иборат бўлиб, иккинчи тил таълимида диалог — суҳбат методидан фойдаланиш, ролли ижро қилиш орқали ўқувчиларни мулоқот юритишга олиб чиқиш, яъни уларнинг амалий нутқий кўникмаларни шакллантириш ва коммуникатив компетенцияларини ривожлантиришда ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун “Ўзбек тили” дарслигида диалог ва полилоглардан иборат суҳбат матнларидан фойдаланиш, саволларга жавоб бериш ёки, аксинча, матнга, берилган жавобларга саволлар қўйиш топшириқлари тез-тез берилади. Ҳар бир мавзу таркибида берилган суҳбат матнларини ролли ижро қилдириш орқали шу мавзуда ўтилган грамматик маълумотларни нутқда амалий қўллаш нутқий кўникмалари ривожлантириб борилади.

V. Ўқув-билув топшириқларининг бешинчи босқичи. Ушбу босқичда дарсликда берилган адабий ўқиш материаллари — шеърларни ифодали ўқишлари ва ёд олишлари орқали ўқувчиларнинг луғавий заҳирасини бойитиш, ривоят, ҳикоя, қисса, романлардан парчалар мазмунини сўзлаб беришлари орқали ўқувчиларнинг ўзбек тилидаги боғланишли монологик нутқ компетенцияларини ривожлантириш, қаҳрамонларни тавсифлаш, уларга ўз муносабатини билдириш каби таълимий ва тарбиявий мақсадларнинг бажарилиши таъминланади.

VI. Ўқув-билув топшириқларининг олтинчи босқичи. Янги авлод дарсликларига қўйилаётган асосий талаблардан бири — ўқувчиларда эгалланган билим, кўникма ва малакаларни турли вазиятларда амалий қўллашга доир компетенцияларни шакллантиришдан иборат. Шундан келиб чиқиб, ўқув-билув топшириқларининг олтинчи босқичида “Ўзбек тили” дарсликларига компетенцияларни шакллантиришга қаратилган қуйидаги турдаги машқ ва топшириқлар киритилган:

- мустақил фикрини, ўз муносабатини билдиришга қаратилган;
- ярим ижодий ва ижодий машқлар;
- вазиятли топшириқлар;
- фанлараро алоқаларга йўналтирилган топшириқлар;
- ўтилганларни умумлаштириш ва аввалги маълумотлардан фарқли жиҳатларини аниқлаш;

— ўзини ўзи текширишга қаратилган топшириқлар киритилган.

Ярим ижодий машқларга мақол ёки ҳикматларнинг иккинчи қисмини топиб ёзиш, берилган матнни ёки суҳбатни давом эттиришга қаратилган машқларни, **ижодий машқларга** эса берилган сарлавҳа, расм асосида матн тузиш бўйича машқ ва топшириқларни киритиш мумкин. **Вазиятли топшириқлар** ўқувчиларни мустақил фикрлашга йўналтириш, мавзу асосида эгаллаган таълимий ва тарбиявий билимларни муайян вазиятда амалий қўллаш кўникмаларини шакллантиришга қаратилади. Вазиятли топшириқларда ўқувчининг ёш хусусиятига мос ҳолда ижтимоий-иқтисодий, экологик муаммолар, атроф-муҳитга, табиатга муносабат, муомала-мулоқот юритиш, ахлоқ-одоб меъёрларига риоя қилишда учрайдиган айрим муаммолар берилиб, ўқувчини лоқайд бўлмасликка ундайди, уларнинг шахсий муносабатини шакллантиради, этикасини тарбиялайди, жамият ҳаётида фаол иштирок этишга, яъни ижтимоийлашувига олиб келади.

VIII. Ўқув-билув топшириқларининг саккизинчи босқичи ўзини ўзи назорат қилиш ва баҳолашга қаратилган бўлиб, уларга мавзунини мустаҳкамлаш бўйича савол ва топшириқлар ва уйга бериладиган вазифаларни киритиш мумкин. Бундай топшириқлар ҳар бир мавзу охирида ўтилганларни умумлаштириш ва ўқувчиларда мустақил танқидий ижодий фикрлаш қобилиятларининг ривожланганлик ҳамда ўрганилган грамматик воситаларни тўғри қўллаган ҳолда фикрини боғланишли ифодалаш кўникама, малакаларининг шаклланганлик даражаларини аниқлаш мақсадида берилади. Шундан келиб чиққан ҳолда, ўзбек тилидан берилган уй вазифаларида:

- мавзуга доир гап ва жумлалар тузиш;
- берилган гапларни, мақол ёки матнни она тилига таржима қилиш;
- мавзуга доир кичик матн тузиш;
- ўқилган асар мазмунини сўзлаб бериш;
- ўқилган асар қаҳрамонини тавсифлаш;
- мақол мазмунини изоҳлаш;
- шеърни ёддан айтиб бериш;
- маълумотлар тўплаш ва уларни баён этиш;
- ижодий матн (иншо) ёзиш каби топшириқлар берилган.

Ўзга тилли гуруҳларда ўзбек тилини ўқитишда ўқув-билув топшириқларининг ушбу босқичли кетма-кетлигини таъминлаш ўқитувчидан юқори даражадаги методик лаёқатни талаб этади. Ўқув материалларининг мазкур яхлит тузилмаси ички қисмлари алоқадорлигини таъминлаш:

- дарсликда ушбу материаллар баёнининг қандай изчилликда берилишини пухта ўйлаш;
- ўқув материаллари таркибий қисмларида устувор аҳамиятга эга бўлган асосий ва ёрдамчи назарий маълумотларни ажратиб олиш;
- улардан қайси бирларини қоидалаштирилган кўринишда, қайсиларини эслатма тарзида берилишини аниқлаб олиш;

— машқлар ва ўқув топшириқларининг ушбу коидалар ва эслатмаларга мувофиқлиги, уларнинг кўникма — малака — лаёқатни шакллантиришга йўналтирилган босқичли кетма-кетликда жойлаштирилишини таъминлаш керак бўлади. Бу борада А.В. Усова, В.А. Беликовлар ўқув материалларини тақдим этишда таркибий қисмлар элементлари ўртасидаги алоқаларнинг куйидаги мезонларига устувор аҳамият беришни тавсия:

- қисмлар ўртасида сабаб-оқибат муносабатлари;
- асосий тушунчалар ва уларнинг муҳим қисмлари ўртасидаги боғланишлар;
- бир-бирининг таркибига кирувчи қисмлар ўртасидаги алоқадорлик;
- устувор функционал алоқаларни акс эттириш (6).

Хулоса. Хулоса қилиб айтганда, ўзбек тилини иккинчи тил сифатида ўқитиш мазмуни таълимнинг юқорида кўзда тутилган мақсадлари ва белгиланган вазифалардан келиб чиқиб ҳамда умумий дидактик тамойиллардан келиб чиқиб белгиланиши керак бўлади. Бунда ўқув-билув материалларини танлаш ва тақдим этишда асосий эътибор ўзбек тилини амалий йўналишда ўргатишга қаратилади, яъни ўқувчининг муайян мавзулар доирасида ўзбекча нутқни тинглаб тушуна олиш, ўз фикрини оғзаки ва ёзма шаклда мустақил ифода эта олишига, айти пайтда саводли ўқий ва ёза олиш ҳамда эгалланган билим ва кўникмалари турли нутқий вазиятларда комплекс қўллаган ҳолда мулоқотга кириша олиш кўникма-малакаларини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилиши керак. Шу боис таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун “Ўзбек тили” дарсликларининг модернизациялашган янги авлодини яратишда ҳам асосий диққат-эътиборни, аввало, ўқув-билув материалларини узвийлаштириш ва марказлаштиришга қаратиш мақсадли бўлади. Бунинг учун ўқув материалларининг асосий концентрларини тўғри танлаш, концентрлараро мантикий алоқадорликни таъминлаш, улар юзасидан бериладиган ўқув-билув топшириқларини ўзаро мантикий боғлиқликда ва босқичли кетма-кетликда тадрижий ривожлантириб бориш керак бўлади. Қайд этилганидек, педагогик таълим соҳасида янги авлод дарсликларини яратишда ўқув-билув материалларини концентрлар асосида таркибланишнинг дидактик параметрлари борасида айрим тадқиқот ишлари олиб борилаётган бўлса-да, айнан ўзбек тилини иккинчи тил сифатида ўқитиш методикасида бу масала алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилгани йўқ. Шундуй бўлса-да, бугунги кунда таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун яратилган “Ўзбек тили” дарсликларида ўқув-билув материалларининг *нутқ мавзуси — грамматик маълумот — адабий ўқиш* концентрларига жамлаб берилаётгани муаллифларнинг дарсликларни янги концептуал ёндашувларга асосланиб яратишга ҳаракат қилганини кўрсатади. Бироқ таълим сифати кўп жиҳатдан амалиётчи ўқитувчиларнинг ушбу концептуал ёндашувларнинг моҳиятини тўлиқ англаб

етишлари ва дарсликларда берилган ўқув-билув материалларини мақсадли кетма-кетликда бажартиришларига боғлиқ бўлади. Шу боис ўзбек тилини иккинчи тил сифатида ўқитишда она тили ва иккинчи тил таълимининг дидактик тамойилларини фарқлай олиш, янги концептуал ёндашувлар, ўқувчи нутқини шакллантиришда *нутқ мавзуси — грамматик маълумот — адабий ўқиш* концентрларининг узвийлиги ва мақсадли марказлаштиришга йўналтириш, таълим жараёнида ўқув-билув топшириқларининг таркибланиши ва бажарилишида босқичли кетма-кетликни таъминлашнинг дидактик жиҳатларига эътибор қаратиш таълим сифатини таъминлашнинг асосини ташкил этади. Бу иккинчи тил таълими, хусусан, ўзбек тилини республикамизда иккинчи тил сифатида ўзга тилли гуруҳларда ўқитиш соҳасида мазкур муаммолар юзасидан тадқиқотлар олиб бориш, амалиётчи ўқитувчилар билан семинарлар ўтказиш зарурлигини кўрсатади.

Тил давлат мустақиллигининг асосий кўрсаткичларидан бири экан, давлат тили таълими самарадорлигини таъминлаш ва юртимизда яшовчи турли миллатларнинг республикамизнинг давлат тилини ўрганишлари учун қулай шарт-шароит яратиб бериш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 5850-сонли Фармон. — Тошкент, 2019 йил 21 октябрь. — URL: <https://lex.uz/docs/4561730>

2. Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг 5–11 синфлари учун “O'zbek tili” дарсликлари. 2016–2019 йй.

3. Слесарева И. П. Проблемы описания и преподавания русской лексики. Изд. 2-е, исправленное. — Москва: Русский язык, 1990. — 174 с.

4. Боқиева Г. Педагогик тадқиқотлар: бугунги талаб ва янги вазифалар // Маърифат. — Тошкент, 1999, 10 ноябрь.

5. Кўчқорова Ф. М. Янги авлод дарсликларида тақдим этиладиган ўқув материалларини концентризм принципи асосида структуралашнинг дидактик параметрлари (педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати). — Тошкент, 2018. — 48 б.

6. Усова А.В., Беликов В.А. Как овладеть рациональными умениями и навыками учебного труда: Методические рекомендации для учащихся старших классов средней школы. — Магнитогорск, 1990. — Ч.1 — 30 с. — Ч. 2. — 40 с.

Reference

1. *Uzbek tilining davlat tili sifatidagi nufuzi va mavqeiini tubdan oshirish chora-tadbirlari tugrisida*, (On measures to radically increase the prestige and status of the Uzbek language as the state language: Decree of the President of Republic of Uzbekistan of 21.10. 2019 No. 5850), available at: <https://lex.uz/docs/4561730>

2. *Ta"lim boshqa tillarda olib boriladigan maktablarning 5–11sinflari uchun "Uzbek tili" darsliklari*, (Textbooks "Uzbek language" for grades 5-11 of schools with other languages of instruction), 2016–2019.
3. Slesareva I. P., *Problemy opisaniya i prpodavaniya russkoi leksiki*, (Problems of description and production of Russian lexicon), Moscow: *Russkii yazyk*, 1990, 174 p.
4. Bokieva G. *Pedagogik tadqiqotlar: bugungi talab va yangi vazifalar* (Pedagogical research: today's demand and new tasks) *Ma"rifat*, Toshkent, November 10, 1999.
5. Quchqorova F.M., *Yangi avlod darsliklarida taqdim etiladigan uquv materiallarini kontsentrizm printsipi asosida strukturalashning didaktik parametrlari*, (Didactic parameters of structuring the teaching materials presented in the textbooks of the new generation on the basis of the principle of concentrationism), candidate's thesis, Tashkent, 2018, 48 p.
6. Usova A.V., Belikov V.A. *Kak ovladet' ratsional'nymi umeniyami i navykami uchebnogo truda* (How to master the rational skills of academic work): Metodicheskie rekomendatsii dlya uchashchikhsya starshikh klassov srednei shkoly, Magnitogorsk, 1990, Ch.1, 30 p, Ch.2, 40 p.